

ШАХРИСАБЗДА ЎРНАТИЛГАН АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИНГ БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қодирова Зилола Рўзибаевна

Камолиддин Бехзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти

1 курс таянч докторанти (PhD)

АННОТАЦИЯ: *Мазкур мақолада мустақиллик даврида Шахрисабзда ўрнатилган Амир Темур ҳайкали ва ватанимизда ҳайкалтарошлик ривожининг бадиий хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот берилган.*

КАЛИТ СЎЗЛАР: *Маданий меросимиз, буюк аجدодларимиз, мустақиллик, хотира, ҳайкал, лойиҳа, зоя, маҳобатли хайкалтарошлик, Учинчи Ренессанс, рамзий композиция.*

АННОТАЦИЯ: *В данной статье представлена подробная информация о скульптуре Амира Темура, установленном в Шахрисабзе в период независимости и основных принципах развития скульптуры в нашей стране.*

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: *Наше культурное наследие, великие предки, независимость, память, скульптура, проект, идея, величественная скульптура, Третье Возрождение, символическая композиция.*

ABSTRACT: *This article provides detailed information about the sculpture of Amir Temur, installed in Shakhrisabz during the period of independence and the basic principles of the development of sculpture in our country.*

KEYWORDS: *Our cultural heritage, great ancestors, independence, memory, sculpture, project, idea, majestic sculpture, Third Renaissance, symbolic composition.*

Ўзбекистоннинг жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айланишида юртимизнинг ўзига хос ва бетакрор тарихий-маданий мероси алоҳида ўрин тутди. Бой маданий меросимизни асраш, мамлакат миллий бойлиги бўлган маданий мерос объектларини қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш борасида аҳамияти ва кўлами жиҳатдан кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди.

Мустақилликка эришиш тасвирий санъатнинг муҳим таркибий қисми бўлган маҳобатли ҳайкалтарошликда туб ижодий ислоҳотлар даврини бошлаб берди.

Бунда, ўзбек халқининг миллий давлатчилик тарихи ва унинг азалий маданияй-маърифий меросини шарафлаб, улардан фахрланиш туйғуларини кенг жамоачилик тафаккурига сингдиришни илгари сурувчи янги сиёсий маданият тартибининг қарор топиши катта аҳамиятга эга бўлди. Зеро, мазкур сиёсий маданият жамият ҳаётида етакчи ғоявий-мафкуравий даража касб этиб, санъат соҳаларини ҳам ўз таъсирига олди. Бу борада айниқса маҳобатли ҳайкалтарошликка кучли эҳтиёж пайдо бўлди ва тез орада иттифоқдош миллатлар санъати тобелигида шаклланган ижодий ёндошувлар ўрнини соф миллий тамойиллар эгаллай бошлади. Хусусан, бу давр маҳобатли ҳайкалтарошлигининг янги ижодий тамойиллари қуйидаги таркибда намоён бўлди:

- буюк сиймолар шахсини шарафлаш;
- шаҳидлар номини хотирлаш;
- рамзий композициялар.

Ўзбекистон мустақиллигининг 29-йиллиги тантаналарида муҳтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёев юртимизда Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйилаётганини алоҳида таъкидладилар. Илму-ижод ҳар қандай қуролдан, ҳар қандай табиий бойликдан, ҳар қандай кучдан афзал эканлиги, маърифатли, теран тафаккурли миллатнинг эртаси ёруғ бўлмоғини эътироф этдилар.

Маданият ва санъат – жамиятнинг бебаҳо хазинаси, инсон тафаккурининг буюк кашфиётидир. Бу соҳалар ижод ва маҳоратнинг, тинимсиз изланишнинг энг олий даражасида яратилгандагина инсон кўнглини ишғол қила олади.

Зеро, ёшларни миллий руҳда тарбиялашда, уларнинг маънавиятини юксалтиришда санъатнинг ўрни ҳақида тўхталсак, бутун борлиқни, ҳаётни, атроф муҳитни, кундалик турмушдан тортиб коинот тасвирларини акс эттирувчи санъат турига - тасвирий санъатга тўхталишимиз зарур.

Ўзбекистоннинг мустақил республика деб эълон қилиниши ва унинг янги ижтимоий тараққиёт йўлидан бораётганлиги бошқа соҳаларда бўлгани каби таълимнинг ҳамма бўғинларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилишни талаб этмоқда. Бу талаблар бевосита тасвирий санъатга ҳам тааллуқлидир. Глобаллашув шароитида инсон диди, эстетик дунёқарашини тарбиялаш ҳар қандай миллатнинг миллий ўзлигини сақлаб қолиш долзарб муаммо даражасига

кўтарилмоқда. Маънавий маданиятнинг ажралмас қисмларидан бири ҳисобланган тасвирий санъатнинг бунда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда қилинган ислохотлар Ўзбекистон тасвирий санъатини ҳам четлаб ўтмади. Ўзбекистон Бадиий Академияси ташкил этилиши, тасвирий санъат соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш мақсадида очилган Камолиддин Бехзод номидаги Миллий Рассомлик ва Дизайн институти, ўрта махсус касб-ҳунар колледжлари, ихтисослашган мактаб интернатлари, турли галереялар, тўғарақлар мисолида санъатимиз ривожига давлатнинг эътибори ва ғамхўрлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда, Президентимизнинг инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва уни яшаш учун шарт-шароитларини таъминлаш тўғрисидаги сайёи ҳаракати меъморчилик ва шаҳарсозликнинг ривожланишига эътибор кучайиб, монументал асарларнинг шаҳарсозликда аҳамияти ошди. Баланд ва муҳташам бинолар, турли маъданий комплекслар, турар жой бинолари кўпаймоқда. Шаҳарсозликда, монументал асарларнинг юқори даражада бажарилганлиги сабаб, аҳолининг уларга нисбатан қизиқиши кучайиб бормоқда.

Буюк сиймолар шахсини шарафлаш тамойили - тарихий мавзули барча хайкаллар учун хос бўлиб, образлар тавсифига кўра турли характерга эгадир. Масалан, саркардалар образи - мардонавор киёфали ва реалистик ифодали, аллома ҳукмдорлар образи эса комил шахс сиймоли ва мумтоз ифодали кўринишда бажарилди. Ҳар икки характерли асарлар ўзининг муайян пластик услуби, композицион тузилиши ва образлар рухий оламига хос хусусиятларига эга.

Шахрисабздаги Амир Темур хайкали Вазирлар маҳкамасининг Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тугрисидаги 29.12.1994-йилдаги 630-сонли қарори ҳамда 16.08.1996-йилдаги №346-сонли фармойишнинг 3-бандига биноан ўрнатилган. Ҳайкалтарошлар Илҳом Жабборов ва Камол Жабборовлар томонидан бажарилган, меъморлар Б.Усмонов, М.Мустафоевлар лойиҳаси асосида барпо этилган. Ҳайкал хажми 9 метр, таглиги 7 метр, бронза ашёсида бажарилган.

Илҳом Жабборов ижодида ҳам образ ечимининг ҳаётий кўринишга мувофиқлиги, реалистик анъаналарни етакчи ўринга кўтарилиши, шунингдек хайкалларнинг улуғворлик жихатига катта эътибор бериш хусусиятлари жадаллашди. Айниқса, қадимги ва уйғониш даври хайкалтарошлари меъросини ижодий таҳлил ва тадбиқ этишга уриниши асарларининг пластик композициясига сезиларли таъсир қилди.

Ҳайкалтарошлик асарлари ҳам туризмнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга қилган мурожаатларидан “Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоқлардан бири – туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида салоҳиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Юртимизда 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган¹.

Бошқа санъат турлари сингари ҳайкалтарошлик ҳам доимий ривожланишда. У ўз халқи ҳаётида ҳамроҳ бўлиб, халқ қандай тарихий ҳодисаларни ва силжишларни бошдан кечирса, бу кечинмалар ҳайкалтарошликда ўз аксини топади².

Асосан тарихий жанрли ҳайкаллардан иборат буюк аجدодлар шахсини шарафлаш тамойилида бир неча янги ёндашувлар юзага келди. Чунончи, унинг доирасида шаклланган гумбазости, равоқли, ярим айланасимон меъморий воситали ёндошувлар маҳобатли ҳайкалтарошликнинг янги натижаларидан ҳисобланади. Гумбазости ҳайкалларнинг характерли жихати Темурийлар даври меъморлигига хос қовурғасимон мовий гумбаз воситасида миллий муҳитнинг таъсирчан кўринишини гавдалантириш, ҳайкалга мумтозлик ва салобат бахш этишда кузатилади. Ҳақли равишда бу йўсинли ёдгорликлар - ҳайкал, меъморий восита, амалий безак санъати комбинацияларидан иборат учликни бир ғоя асосида мужассамлаштирувчи ўзига хос бадиий характерга эга бўлди.

Шаҳрисабздаги Амир Темур ҳайкалида ҳам мустақиллик даври маҳобатли ҳайкалтарошлигида устивор тамойилга айланган буюклик сиймосини очиқ бериш ёндошуви мавжуд. “Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали айнан Оқсарой олдида қад рослагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос, ўзига мос чуқур рамзий маъноси бор. Мазкур ёдгорлик Темурийлар даври энг мухташам ва нодир намунаси ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, «Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият» хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, қадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда»³.

¹ Маърифат газетаси. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси. 9 бет. 2017 йил 23 декабр. №102-103 (9064).

² Феруз Исломов “Ҳайкалтарошлик” Тошкент 2017 й, 6 б

³ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – 48 б.

Шунинг учун, Шаҳрисабзда ўрнатилган Амир Темур ҳайкалининг бадиий хусусиятлари ўрганиш ва бугунги кунда Ўзбекистонда маҳобатли ҳайкалтарошлик асарларининг ёшлар тарбиясидаги ўрнига ҳам алоҳида эътибор бериш даркор ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – 48 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – 48 б.
3. Феруз Исломов “Ҳайкалтарошлик” Тошкент 2017 й, 6 б